ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ

М.М.ДАДАЖОНОВА, Ф.МАДУМАРОВ

В статье рассмотрены основы эффективного управления фермерским хозяйством, авторами разработаны конкретные рекомендации по данной проблеме.

This article is considered the bases of effective farm management; the authors develop the concrete recommendations for the given problem.

Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор муносабатлари тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилиб, мувафаққиятли фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақатгина 2008 йилнинг ёзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга – 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга – 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилди. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу маҳсулотлар учун 2007 йилда 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, 2009 йилда 58 миллиард сўмдан ортик маблағ йўналтирилган.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2008 йилда фермер хўжаликларининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида орттирилган тажрибалар фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш учун бир катор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлик муаммоларни ҳал қилишни талаб этмоқда. Бу, ўз навбатида, уларни бошқариш билан боғлиқ бўлган масалаларни атрофлича таҳлил этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бозор муносабатлари асосида хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб боришга интилади. Шу билан бир каторда, улар бозорни тартибга солишда, қолаверса, ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг ташкилий усуллари ва янги шаклларини ишлаб чиқиш жараёнларида бевосита иштирок этади. Шунинг учун ҳам бошқарув ўзгариб турувчи бозор шароитларига тез мослашишга йўналтирилган хўжалик юритувчи тизимларнинг ривожланиш қонунларига асосланади.

Демак, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз олдига қўйган мақсадларига самаралироқ эришиш учун ички ва ташки имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш эвазига ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишга, меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир этувчи омилларни шакллантириб боради. Юртимизда мужассамлашган, яратган томонидан инъом этилган жамики табиий бойликлардан шундай оқилона фойдаланишимиз керакки, авваламбор, бу халқимиз турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилсин. Шунингдек, ички ва жаҳон бозорларини сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан бойитсин, колаверса, давлатимиз иқтисодиётининг юксалиб боришига ҳамда республикамизнинг кучли давлатлар қаторидан ўрин олишига мустаҳкам замин яратсин.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги пировард натижаларнинг фойдаланиладиган ёки сарфланадиган неъматлар ҳажмига нисбати ҳисобланади. Ҳар қандай хўжалик субъектининг самарадорлиги эса уни самарали бошқаришга боғлиқ. Гарчи Бошқарув жамоа ва хизмат кўрсатишнинг алоҳида, аммо таркибий кисмини ифодаласа ҳам, бошқарув фаолиятининг пировард натижалари тегишли хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқариш бўғинларининг хўжалик юритиш натижаларига бориб тақалади. Улар иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тавсифга эга.

Иқтисодий натижалар миллий даромаднинг кўрсаткичлари: соф даромад, фойда ва натура кўринишида баҳоланади. Иқтисодий натижалар ҳар бир ишчи шахси ва бутун меҳнат жамоасининг ҳар томонлама ривожланишида тўлароқ намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, малака ва умумий маданиятнинг юксалиши, меҳнат ижтимоий тавсифининг ривожланиши, омма ижтимоий фаоллигининг ўсиши ва кишилар ҳаётиннинг яхшиланиши билан боғлиқ.

Сиёсий натижалар орасида миллий ижтимоий тузумнинг халқаро майдонда обру-эътибор(имидж)га эга бўлиши, тинчликнинг мустаҳкамланиши алоҳида аҳамиятга эга.

Фермер хўжалигини самарали бошқариш учун унинг тузилишини аниқ билиб олиш ва шунга мос бошқарув усулини топиш лозим. Яъни :

- бошкарилувчи кичик тизим билан Бошқарувчи кичик тизимларнинг муносабати кишилар ўртасидаги муносабатдир;
- фермер хўжалигини бошқариш ходимларни бошқаришдир, улар эса, ўз навбатида, меҳнат воситаларини бошқарадилар;
- фермер хўжалигини бошқаришнинг тузилиши Бошқарув мақсадлари ва вазифаларини амалга оширувчи бир-бири билан боғланган турли бошқарув органлари ва бўғинларининг

жамидир. Унинг асосини, аввало, фермер хўжалиги ишлаб чиқариш тузилишининг ўзи ташкил этади, бошқариш объектлари бўлмаса, унинг субъектлари ҳам бўлмайди.

Фермер хўжалиги фаолияти жараёнидаги ўзгаришларга қараб, бошқариш жараёни ва структураси **ҳ**ар доим такомиллашиб боради. Шунингдек, фермер хўжалигидаги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ўзгариши, бошқариш бўғинлари бўйича вазифаларни тақсимлаш ҳам эскириши мумкин.

Бошқариш жараёнларини ташкил этишнинг асосий мезонлари ҳамда уларнинг элементларини танлаш ва шакллантириш самарали бошқаришнинг асосий йуналишларидан биридир. Фермер хўжалигининг самарали фаолият кўрсатиши учун кўпгина механизм ва омилларга эътиборни жалб этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Масалан, фермер хўжалиги ихтиёридаги маблағлардан тўғри фойдаланиш, янги гоялар ва технологияларни жорий этиш, инсонни маънавий баркамолликка етказиш, раҳбарнинг билимли ва маданиятли бўлиши, молия воситаларини оқилона бошқариш, хўжалик ва тижорат ҳисоби усулларидан унумли фойдаланиш, бошқарув меҳнатини такомиллаштириш ва яна бир катор асосий омиллар фермер хўжалигини самарали бошқариш воситаларидир.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, материаллар, ёнилғи сарфини камайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш – булар янги ғояларни жорий қилишиинг иқтисодий самараси ҳисобланади.

Фермер хўжалигида янги илғор ғояни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани ҳал этишда фақат бевосита иқтисодий натижаларни эмас, балки техника ва технологияларнинг меҳнат шароитини яхшилашга бўлган таъсирини, шунингдек, ғоянинг бутунлай янги илмий ғояларга асосланган бозор муносабатидаги иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мумкин бўлмаган имкониятларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Фермер хўжалигининг самарадорлиги ҳамда раҳбарнинг билим даражаси унинг бошқарув ва ташкилотчилик қобилиятига, интизом ва меҳнатга бўлган муносабатига боғлик. Бундан ташқари, ишга бўлган ижобий муносабатнинг шаклланишида, фермер хўжалигининг молиявий жиҳатдан ўсишида раҳбарнинг бошқарув усули муҳим аҳамият касб этади.

Фермер хўжалиги молиявий жиҳатдан бақувват бўлса, ишлаб чиқаришни тактик бошқариш қониқарли, стратегик бошқариш эса истиқболли бўлади.

Бошқарувнинг техник воситаларидан фойдаланишнинг ташкилий шакллари жуда хилма-хил: машина-ҳисоблаш бюролари, машина-ҳисоблаш шаҳобчалари, ахборот-ҳисоблаш марказлари ва нусха кўчириш, кўпайтириш бюролари кабилардир. Бунинг учун эса фан-техника ютуқларини, илғор технологияларни жорий қилиш, фермер хўжалигида амалга ошириладиган жараёнларни механизациялаштириш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни мақсадга мувофиқ ишлатиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, хизмат кўрсатишни қулай ташкил этиш ва режалаштиришда иқтисодий-математик усуллар, компьютерларни кенг қўллаш каби омиллардан унумли фойдаланиш зарурдир.

Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг энг асосий усулларидан бири кўрсаткичлар тартиби ва унинг баҳосини ишлаб чиқишдир. Бундай баҳонинг зарурлиги ишлаб чиқариш шарт-шароитига, техник таъминланганлик ҳамда маҳсулот етиштириш самарадорлигинн ошириш билан боғлиқ бўлган доимий масалаларни ечишга алоқадордир. Шу билан бирга, бундай кўрсаткичлар тартиби фермер хўжалиги соҳаси ва унинг самарадорлигига баҳо беришга ҳам яроқли бўлиши керак.

Фермер хўжалигидаги яна бир асосий жиҳат қабул қилинаётган қарорларда унинг соҳаси жойлашган худуднинг шарт-шароитлари ҳисобга олинишидир. Фермер хўжалигида самарадорликка турли йўллар билан бир хил шароит ва жараённи қўллаган ҳолда эришиш мумкин. Шунинг учун фермер хўжалигининг бошқариш самарадорлигини оширишнинг етакчи йўлланмаларини танлаб олмоқ керак. Мазкур вазифани амалга ошириш учун илмий-техник юксалишни тезлаштириш ва унинг самарадорликка таъсирини кучайтириш, фермер хўжалигида чорвачиликни ривожлантириш асосида хомашёлардан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари ижобий ҳал этилган бўлиши зарурдир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда фермер хўжаликларини бошқариш ва самарадорлигини ошириш борасида ижобий тажрибалар тўпланди ва унинг тегишли механизмлари ишлаб чиқилди.

Фермер хўжалигини самарали бошқариш, унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадларини амалга оширишда, биринчи навбатда, ушбу соҳа тараққиёти, унинг моддий техника таъминоти ва иқтисодий шароити катта аҳамият касб этади. Бунда асосийси ижтимоий ва иқтисодий масалалар ечими ҳисобга олинишидир. Фермер хўжалигини самарали бошқариш асосида унинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши заминимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинларини кам харажатлар сарфлаб экиш билан унда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат.

Фермер хўжалигида самарадорликни оширишнинг мақсадли дастури қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олиши керак:

- мақсадли қисмда бош мақсад масаласининг матни, бошқа масалалар ҳамда дастурнинг аниқ режаси кўрсатилади. Шу билан биргаликда, фермер хўжалигининг жорий самарадорлик даражаси, ривожланиши, камчиликлари ва уларни йўқотиш усуллари аниқланади. Бундан ташқари, мазкур қисмда охирги натижалар ва масалалар ечимининг муддатлари кўрсатилиши керак бўлади;
- тўпламли боб дастурнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобкитобини ўз ичига олади. Дастур ва тадбирларни амалга оширишда керак бўладиган ҳар хил кўринишдаги (меҳнат, моддий, молиявий) ресурслар ҳажмини қамраб олади ва дастурнинг иқтисодий самарасини таъминлайди;
- соҳага берилган аниқ топшириқлардан иборат;

• ташкилий қисмда бошқарув органи аниқланади, дастур бошқарувнинг услуби ва тартиби, назоратни ташкил этишнинг муҳим вазифалари ва уни татбиқ этиш ҳамда бошқа зарур бўлган ташкилий-бошқарув тадбирлар акс эттирлади.

Шунингдек, дастурдан фермер хўжалигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган масалалар – меҳнат жамоаларининг ижтимоий ва маиший ҳаётини янада яхшилаш, уй-жой, касалхона, болалар муассасалари, қурилиш масалалари кабилар жой олиши зарур.

Фермер хўжалигининг жойлашишини, табиий иқлим шароитларини, меҳнат ресурсларини, ходимларпинг доимий мутахассис ишчи ходимларга бириктирилишини ҳисобга олган ҳолда дастурга меҳнат ва моддий ресурслардан, келгусида эса ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш сингари масалаларни киритиш лозим бўлади. Бу эса фермер хўжалигининг бозор муносабатларига асосланган ҳолда фаолият олиб боришига кўмаклашади ва пировардида унинг иқтисодий самарадорликка эришишига замин тайёрлайди.

Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти,
2010 йил 22 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Муфтайдинов)